

# ТОШКЕНТ

Газета 1966 йил 1 июлдан  
чиқа бошлаган

Шаҳар иқтисодий  
сиёсий газетаси

# ОҚШОМИ

№ 39 (8.929)

1997 йил

4 апрель, жума

Сотувда эркин нархда

## ЭЛЛАДА ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Авал ҳасаб қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 март — 2 апрель кунлари давлат ташрифи билан Греция Республикасида бўлди.

Биз Грецияни яхши биламиз. Дунё, хусусан, Фарбий Европа тарихини Эллада маданияти ва санъати, қадимги дунё адабиёти ни эллилар ҳаёлини парвозидан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳайри дунё эса ҳаммиса жонбадор бўлган, шу боис биз Эллада ҳақида кўп нарса билишга интиланмиз ва интиляпмиз. Зотан, Европа ва Осиё кишилари дунёқарашидаги икки кутбни айнан Эллада — қадимги Греция маданиятида қуриш мумкин. Осиёда барча интилишлар ва ҳиссиётлар ботиний бўлса, Грецияда зоҳирий, яъни улар ташқи гузалликларга ошурфта эдилар. Қадимги грекларнинг худоси ҳам сизу бизга хос бўлган барча инсоний хислатларга эга одамлар сифатида тасвирлангани беҳиз бўлмаса керак. Шарқ файласуфлари «қадимги Греция овози билан гапириб юборган европаларнинг» гоят амалиётчи бўлганини бевосита ушбу тарихий омил билан боғлайдилар.

Мана шундай кўна тарих ва бой маданиятга эга Греция билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар ибтидоси ҳам аслида жуда қадимга бориб тақалади. Жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаган Греция бугунги кунда Европа иттифоқи, Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги, НАТО каби ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Коллаверса, Греция Болкондаги барқарор давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Европа давлатлари билан иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, Европа иттифоқи, шу орқали жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви йўлидан борар экан, бунда албатта, мамлакатимизнинг Греция билан самарали ҳамкорлик қилиши мўҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу давлатга ташрифи аввало, ана шу мақсадларга қаратилган эди.

Уз навбатида Греция ҳам Марказий Осиёда гулғун жўрғоғи маконга эга, сийёсий ва иқтисодий барқарор давлат бўлиши Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорлики ривожлантиришдан ҳар томонлама манфаатдор. Греция Президенти Константин Стефанопулос шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг ташрифи ўз аҳамияти жиҳатидан бекуёс эканини айтди. Ҳар икки мамлакат раҳбарларининг



Афинадаги Президент саройида бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон — Греция алоқаларини янги ривожланиш босқичига кўтариш масалалари муҳокама этилди.

— Бугун қадим тарихий алоқаларга эга давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлики самарали тус олдириш учун имконият туғилди, — деди Президент Константин Стефанопулос. — Ўзбекистоннинг минтақадagi қулай вазияти, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда эришадиган ютуқлари ва ниҳоят барқарорлиги грек ишбилармонлари учун бу мамлакатда самарали ишлаш имкониятини яратди. Бизнинг Ўзбекистон билан ўрнатган алоқаларимиз Фарб ва Шарқни бирлаштирувчи кўприк бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Президент Ислам Каримов Грециянинг Болкон минтақаси ва жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи тобора ошиб бораётганини қайд этар экан, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама алоқаларни ривож топширишдан ташқари, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлики ривожлантириш ҳам ҳар икки томон манфаатига тўла мос тушишини таъкидлади. Мамлакатларимизнинг иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқаларини раванқ топшириш борасида ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд, деди Ўзбекистон раҳбари.

Дарҳақиқат, Грецияда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, электротехника, озиқ-овқат ва енгил саноат, сайёҳлик инфраструктураси яхши ривожланган. Бундан ташқари, Греция Европадаги энг йирик бандагҳо ва дунёдаги энг улкан савдо флотларидан бирига эга. Мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида Грециянинг илгор технологияларидан фойдала-

ниш, жумладан, енгил саноат, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида қўшма корхоналар барпо этиш гоят аҳамиятлидир. Биргина сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик қўламини назар ташлаш орқали ҳали фойдаланилмаган имкониятлар даражасини кўриш мумкин. Маълумки, Грецияга ҳар йили қарийб мамлакат аҳолиси сонига тенг — 10 миллионга яқин сайёҳ ташриф буюради ва табиийки, мамлакатда уларга хизмат кўрсатиш борасида улкан тажриба тўпланган. Уттан йилли Греция сайёҳликдан 4,1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаромад кўрган. Шубҳасиз, Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги тарихий ёдгорликларга янада кўпроқ сайёҳларни жалб этиш орқали Ўзбекистонда бу соҳани ривожлантириш имконияти катта. Шу маънода Греция билан сайёҳлик инфра-структурасини яратиш, мазкур соҳа мутахассисларини тайёрлаш борасида ҳамкорлик қилиш истиқболли порлоқдир.

Ўзбекистон раҳбарининг Греция Президенти, сўнг мамлакат Бош вазирини Константин Симитис билан бўлган музокаралар чоғида ана шу ҳамкорлик масалалари кенг муҳокама этилди. Президент Ислам Каримов ва Бош вазир Константин Симитис музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Греция Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Ушбу ҳўжат мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар асоси ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳўқуқий пойдеворини яратди. Ташриф давомида Греция жамоатчилиги ва матбуоти ҳам мазкур шартноманинг нечоғли мўҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон би-

лан Греция ўртасида мулк ва фойдадан икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги конвенция, сармоларни ўзаро раббатлантириш ва ҳўма қилиш, иқтисодий ва технологик ҳамкорлик, маориф, фан ва маданият, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, ҳар икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликларининг ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги протокол имзоланди. Ҳўжатларни ўзбекистон ва Греция ташқи сийёсат маҳкамалари раҳбарлари А. Комиллов ва Т. Пангалос имзолади.

Маросимдан кейин бўлиб ўтган матбуот анжуманида Президент Ислам Каримов икки мамлакат халқлари алоқалари Марказий Осиёда завод этилган Бақтрия давлати давридан бошланганини таъкидлади. «Грециядаги фуқаролар уруши пайтида ўн минглаб греклар Ўзбекистондан бошлана топти. Айни пайтда ҳам юртимизда 10 миң нафарга яқин грек яшайди. Буларнинг бари халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида мўҳим омил сифатида хизмат қилади», деди жумладан Ислам Каримов. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари ўтказилган музокараларда икки томонлама, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилган ҳақида имзоланган мазкур ҳўжатлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро тенг ҳўқуқли ҳамкорлигини янги поғонага кўтаришини таъкидлади.

Греция Бош вазирини К. Симитис Ўзбекистон Президентининг ташрифи икки томонлама алоқалар ривожига янги кўч бағишлаганини таъкидлади. Греция Шарқ ва Фарбни бирлаштирувчи мўҳим бўғин бўлиб қолишни истар экан, биз Ўз-

бекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш тарафдоримиз, деди у.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Греция вазирликлари, муассасалари ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорликка оид турли қелишувларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Греция ташқи сийёсат вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, мамлакатимизнинг мазкур вазирлиги билан Греция денгиз савдо флотини ўртасида ўзаро аниқлашувлар протоколи имзоланди. Шунингдек, «Ўзбекистон» миллий компанияси билан Грециянинг «Амфитрион», «Платинитревел» ҳамда «Лелаксис групп» сайёҳлик фирмалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳўжатларга қўл қўйилди.

Афинадаги «Элаис» хиссдорлик жамияти нафақат Грецияда, балки Фарбий Европадаги зайтун ва бошқа ўсимлик ёғлари, маргарин ишлаб чиқарилган энг йирик корхоналардан биридир. 1920 йили қурилган ушбу завод иккинчи жаҳон урушида вайрон этилганидан кейин тез орада қайта тикланиб, мамлакат аҳолисига ўта зарур бўлган зайтун мойи ва маргаринлар етказиб бера бошлади. Урушдан кейин оч-ночор қолган аҳолига витаминларга бой зайтун мойи қанчалик зарур бўлган бўлса, греклар учун ушбу завод ҳам шунчалик қадри бўлиб қолди. Кейинчалик завод Фарбий Европанинг транснамиллий компанияси — «Юнилевер Х. Б.» ҳамкорлигида энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда завод акцияларининг 50 фоизи «Юнилевер» қўлида. Маълумки, дунёга машҳур «Юнилевер» 200 турдан зиёд озиқ-овқат ва косметика маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Унинг 85 мамлакатда 500 дан зиёд корхонаси мавжуд. Ҳамюртларимизга ушбу компания «Липтон» чойи, «Рам» маргарини каби маҳсулотлари билан яхши таниш.

Ислам Каримов «Элаис»га ташрифи чоғида унинг замонавий технология билан жиҳозлангани, маҳсулотининг ўта рақобатбардошлилигига алоҳида қизиқиб билдирди. Бу беҳиз эмас, чунки Грециянинг рақобатчилари Италия ва Испания ҳам зайтун мойини айнан «Элаис»дан сотиб олади. Умуман, рақобат ҳақида гапирганда грек тадбиркорларининг жуда удабуронлигини эслаш жоиз. Улар мамлакатдаги этиштирилган маҳсулотларни ҳатто ярим тайёр ҳолда ҳам бозорга чиқармайди. Грек ҳаммасб-ларимизнинг айтишича, мамлакат биз вазири деҳқонлар ва боғбонлар билан учрашганда маҳсулотни бозорга фақат тайёр, чиройли қадокдан-

ган ҳолда чиқаришни талаб қилишдан чарчамайди. Айтишларича, ўз маҳсулотини яна қайсидир бир мамлакатда ҳам ошме сифатида фойдаланилмаслиги учун «Элаис» зайтун мойини фақат кичик сийимли идишларда сотади.

Мамлакатимиз Президенти завод раҳбарияти билан суҳбати чоғида Ўзбекистонда «Элаис»нинг савдо дўконини очиш, юртимизда ҳам худди шундай технологияга эга завод қуриш ҳамда витаминларга энг бой зайтун мойи билан пахта ёғи омултаси асосида янги маҳсулот ишлаб чиқариш борасида фикр билдирди. «Элаис» раҳбарияти бу борада тегишли тақлифлар тайёрлашни маълум қилди.

Ислам Каримов Греция парламенти раиси Апостолос Кахламанис билан ҳам учрашиб, икки мамлакат парламентарлари ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашди. А. Кахламанис Ўзбекистон билан Европа иттифоқини ўртасида имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим якун кунларда Греция парламенти томонидан ратификация қилинишини маълум қилди.

Ташриф давомидаги яна бир мўҳим учрашуви Греция савдо-саноат палатасида бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари грек тадбиркорларига Ўзбекистонда ҳоржий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, халқаро андозлар даражасидаги қарорлар ҳақида сўзлаб берди. Учрашувда Ўзбекистон грек тадбиркорлари учун Шарқда дарвоза ваъзфасини ўтлаш мумкинлиги таъкидланди. Мамлакатимизнинг қулай жўрғоғи макони, иқтисодий салояти ва бой имкониятлари грек тадбиркорларида катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимиз раҳбари қадим Афинадаги диққатга сазовор тарихий жойлар, жумладан, эрамиздан аввал қурилган оламга машҳур Акропол мажмуи билан танишди. Ушбу тарихий ёдгорлик ҳақида батафсил гапирилганда ҳожат бўлмаса керак, албатта. Зеро, Эллада тимсолига айланган Акропол тарихи ва тасвири замонавий битиклар ва тарих дарсликларини орқали бизга яхши таниш. Шунингдек, Ислам Каримов Афина марказидаги номаълум аскар қабрига гул қўйди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Болкондаги ушбу нуфузли мамлакатка илк ташрифи Ўзбекистон билан Греция ўртасидаги иқтисодий, маданий ва бошқа қўллаб соҳалардаги ҳамкорликка ҳўқуқий асос солгани билан аҳамиятлидир. Ўтказилган музокаралар ва имзоланган ҳўжатлар икки мамлакат халқлари манфаати учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Мухаммад ШАРИФ,  
ЎЗА махсус мухбири.  
Тошкент — Афина — Тошкент.  
Ф. Қўрбонбоев сурати.

## БУГУНГИ КҲН НАРҲАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида бўлиб ўтган қишлоқ иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш комиссияси мажлисида бу соҳада йил бошдан бўён бажарилган ишлар ва галдаги вазифалар муҳокама этилди.
- Фаргона вилоятининг Тошлоқ туманида бунёд этилган «ЎзДЭУтекстил компани» қўшма корхонаси маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлади.
- Қорақалпоғистоннинг «Электр тармоқлари» корхонаси Тахياتошни бунёд этилаётган Қўнғирот сода заводи билан боғлайдиган 140 километр узунликдаги электр тармоғини монтаж қилди. Унинг ишга туширилиши ушбу корхона билан қаторда янги қонлар, чорва фермалари, аҳоли турар жойлари, 400 километр узунликдаги Қўнғирот-Бенос темир йўлини электр билан таъминлаш имконини беради. Айни пайтда у Устюрт орқали Ўзбекистон билан Қозғистон электр тармоқларини боғловчи ўзига хос «кўприк» вазифасини ўтайди.
- Ўзбекистон ҳўкумати БМТнинг Тараққиёт дастури ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда республика вазирлик ва идораларини «Интернет» жаҳон тармоғи ахборот манбаларига улаш лойиҳасини амалга оширишга киришмоқда. Бунинг натижасида яқин уч йил ичида 15 та вазирлик ва идоранинг «Интернет» ахборот манбаларидан фойдаланиш имконияти туғилади.
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат мукофотлари қўмитаси олдин эълон қилинган Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофотида қўшимча номзодлар тақдим этиш мuddати шу йил 4 июнчага узайтирилганини маълум қилди. Бу мукофотларга фақат адабиёт ва санъат асарлари тақдим қилиниши мумкин. 1997 йилги Камолдин Бехзод номидаги Давлат мукофотида асарларни тақдим этиш мuddати шу йилнинг 4 апрелидан 4 июнига-ча белгиланди. Ушбу мукофотга сўнгги тўрт йил мобайнида яратилган тасвирий санъат, меъморчилик, меъморчиликбадий таъмирлаш ва ҳайкалтарошлик асарлари тақдим этилиши мумкин.
- Самарқандда «Гузалик оламини кутқарари» мавзuida учинчи халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда 20 дан кўпроқ мамлакатлардан келган рассомлар, ҳайкалтарошлар, санъатшунослар иштирок этдилар.
- Чирчиқда Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчи бўлиб, хусусий шахсларга аниқ йўналишлар бўйича қатнайдиган 5 автобус қимощи савдосида сотилди.

### ҲАМДУСТЛИКДА

- Россия Давлат думасига мамлакатнинг ҳозирги давлат раъзларини ўзгартириш собиқ иттифоқ давридаги давлат байроғини ҳамда герб ва мадрҳани тиклаш учун атиги 45-60 овоз етмади, ҳолос. Шунга қарамадан депутатлар келажакда бу масалага қайтишларини билдирдилар.
- Ўзбекистон президенти Аслан Масҳадов Бунёновск шаҳри аҳолисини гаровга олиш билан ном чиқарган дала командири Шамил Басавени ўзи бошчилиқ қилаётган ҳўкуматда биринчи ўринбосар этиб тайинлади. У саноат масалалари билан шуғулланганидан бўлди.
- Хитой Қозғистонда нефть ва газ қонларини ўзлаштиришда ҳамда Каспийдан Қора денгиз томони нефть қувури ўтказилишида иштирок этишга буюртма берди.
- Белоруссия президенти Александр Лукашенко Германия телевидениесига берган интервьюсида НАТОнинг Шарқ томон кенгайтишга унинг ҳўкумати қарши эканлигини айтди. Бунда у НАТОни «Белоруссиянинг ҳарбий салоятига Германия, Польша ва Украинаникдан ортиқ», деб огоҳлантириб ҳам қўйди.
- Грузия парламенти мамлакат худудий яхлитлигини тиклаш, барқарорлиги, суверенитети ва хавфсизлигини таъминлаш концепциясини қабул қилди.
- Украина, Озарбайжон ва Грузия бу ҳар бир давлатдан 200 тадан ҳарбий хизматчи бўладиган тинчликни сақлаш батальонини ташкил этишни мўжлавлантиптилар.
- Россия Давлат думаси Франциянинг «Монд» газетасида эълон қилинган мақолада Бош вазир Виктор Черномырдиннинг мол-мулки 5 миллиард долларга тенг, деб даъво қилиниши муносабати билан ундан парламентнинг бу қўйи палатасига мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этишни сўраб мухокама қилди.

### ҲОРИҚДА

- Исроил Араб давлатлари лигасининг БМТ Бош Ассамблеясида «Қуддус шаҳри масаласи» бўйича махсус сессия чакриш тўғрисидаги талабига қарши эканлигини билдирди.
- НАТОнинг 5 апрелдан 21 апрелгача Ўрта ер денгизи ҳамда Гибралтар бўғозида ўтказиши мўжлавланган кенг қўламдаги ҳарбий машқлари Албаниядаги вазият сабабли қолдирилди.
- Франция Президенти Жак Ширак икки кўнлик расмий ташрифи билан Чехияда бўлди. Унда икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорлики ривожлантириш масалалари билан бир қаторда Чехиянинг НАТОга қабул қилиниши мuddати муҳокама этилди.

## КЕЧА «ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИ БАЙРАМА ТУС ОЛДИ.

Севишли «Пахтакор» командасининг 40 йиллик тўйини нишонлаш учун эрталабданок турнақатор машиналар ва одамлар оқими стадион томон йўналди. Меҳмонларни команд мутасаддилари ва Тошкент шаҳар ҳўқимлиги вакиллари қутиб олдилар. Машъум авиация халокати тудфайли халок бўлган собиқ пахтакорчилар шарафига ўрнатилган ёдгорлик пойига анвойи гуллар қўйилди. Уларнинг хотираси ёдланиб, Қуръон тиловат қилинди. Сўнгра меҳмонларга клуб биноси ҳовлисида ош тортилди.

Барчанинг юзида байрамо-



## ТЎЙИНГ МУБОРАК, «ПАХТАКОР!»



рабий Биродар Абдураимов. — Ҳаётим «Пахтакор» билан чамбарчас боғлиқ, Бугун биз фах-

рийлар жамоаси таркибиде «Қайрат» билан майдонга тушамиз. Уз қувончимни ўйин орқали ифодаламоқчиман. —  
Ёдгор Саъдиев, 1964-1967 йиллардаги жамоа дарвозабони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:  
— Бугун жуда кўп дўстлар, устозларимиз билан дийдор кўришдик. Яна майдонга тушамиз. Ишқибозлар «Пахтакор»нинг машҳур ўйинчилари Акмал Азиз-хўжаев, Виталий Суенов, Вилгелм Қаҳорров, Ахрол Иноятов,

Тўлаган Исоқов ва бошқаларни олқишлар билан қутиб олдилар, уларга совғалар топширилди. Соат 15.00. Майдонга шахдам қадамлар билан ҳарбий оркестр кириб, мусика садолари остида асосий тантаналар бошланади. Стадион йўлаги бўйлаб усти очик енгил автомобилларда «Пахтакор» фахрийлари, машҳур футболчилар ўтганда гулдурос олқишлардан ўйингоҳ ларзага келди. Таниқли санъаткорлар ва раққосаларнинг чиқишлари байрамга ўзгача фойз

бағишлади. Сўнгра машъум авиация фалокатида халок бўлган собиқ пахтакорчиларнинг оина совғалар тақдим этилди. Ҳазин мусика садолари остида марҳум пахтакорчиларнинг номлари ўқилди. Бутун ўйингоҳ аҳли тик туриб буюк эҳтиром ила уларнинг хотирасини бир дақиқа ёд этдилар. Майдонга «Пахтакор» ва «Қайрат» командаларининг фахрийлари тушдилар. Бу икки жамоа 1960 йилдан бошлаб қайси майдонда бўлмасин, доимо шиддатли, аммо дўстона руҳда тўп сурганлар. Бугунги ўйин ҳам ёшларга ўрناк ва айнакча муҳлисларда байрамога қайфиятини янада кўтариши табиий. Ниҳоятда қизиқарли ўйинда «Пахтакор» фахрийлари 2:1 ҳисобида голиб келдилар.

Санъат усталари «Чарм тўп»

## УСТАЛАРИ ВА ИШҚИБОЗЛАР УЧУН КОНЦЕРТ БЕРДИЛАР.

5-тур доирасида ўтган «Пахтакор» — «Сурхон» учрашуви ҳам байрам шодиёналарига уланиб кетди. Учрашуви 3:0 ҳисобида майдон эгаларининг фойдасига ҳал бўлди. Танаффус пайтида ўтказилган лотерея ўйинида қўллаб омадли ишқибозлар қимматбах о ютуқлар соҳиби бўлиб, доимо шиддатли, аммо дўстона руҳда тўп сурганлар. Бугунги ўйин ҳам ёшларга ўрнак ва айнакча муҳлисларда байрамога қайфиятини янада кўтариши табиий. Ниҳоятда қизиқарли ўйинда «Пахтакор» фахрийлари 2:1 ҳисобида голиб келдилар.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ, СУРАТЛАРДА: «Пахтакор»нинг 40 йиллигига бағишланган тўй тантаналаридан лавҳалар.





— Биз ишлаб чиқараётган биллур идишлар, қандиллар учун хом ашёнинг 90 фоизи, яъни асосий қисми Қозғистон, Россия ва Украинадан шартномалар асосида олиб келинади. Бу республикалар билан ҳамкорлик қиламиз. Шу билан бирга хорижий давлатлар билан ҳам алоқаларни йўлга қўйганмиз.

Хусусан Жанубий Корея ва Покистон давлатлари билан биргаликда шилша рюмка, бокаллар тайёрлашни ўзлаштирдик. Италиянинг «Монета» фирмаси билан газ ва сув ўлчагичлари ишлаб чиқаришни режалаштирдик. Яқинда Германиядан ҳам биллур идишларни янада нафисроқ ишлаш тажрибасини ўрганиб келиб, ишлаб чиқаришга жорий этдик.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан буён қўллаб меҳмонхона, ресторан ва офислар қурилиб ишга тушмоқда. Овқатланиш тармоқларига арзон ва чиройли рюмка, фужер ва бокаллар етказиб бериш мақсадида Германиядан дастгоҳлар олиб келдик. Тез орада бу маҳсулотлар ҳам савдо пештакталарига чиқиб, харидорларини топади.

Хозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кўп корхоналар хом ашё тақчиллигидан ё бўлмаса маҳсулотлари харидориги бўлмаганидан

**Президентимизнинг «Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс бирлашмаси — «Ўзбекрақс» ташкил этилди. Мухбиримиз бирлашма раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исматова билан ижодий режалар, янги вазифалар хусусида суҳбатлашди.**

донда «Салом, баҳор» ҳужжатли фильми суратга олинган. Ўша кезларда хореография билим юртида ўқирдим. Опа Раъно Низомовани ёнларига қақриб, ҳозиргина кўрган ҳаракатларини кўрсатиб, «Завқим келур-да шундай ўйнайсан» деб қолдилар. Қани, айтингчи, қайси бир балетмейстер кейинги йилларда миллий ҳа-

киси — рақс театридир. Биз бу билан умум-башариёт санъатига хизмат қиламиз.

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган «Темурий маликалар» рақс спектакли сўзимнинг ёрқин мисолидир. Рақс театрининг имкониятлари кенг. Қаерга бормайлик, сўзсиз ҳаракатлар орқали ўзлгимизни, кимлигимизни кўрсатиш мумкин.

**Санъат**

## Кўрган Кўзлар Қувнасин

— Ҳеч қачон, ҳеч бир даврда рақс санъати қанчалар қадимий бўлмасин, биронта мамлакатда бундай ҳужжат бўлмаган. Кейинги 20-15 йил мобайнида профессионал раққосалар ўз қолипи ичида ўрналиб, рақслар яратдилар. Ҳаммамизнинг эзгу-ниятларимиз ҳам бир: ўзбек миллий рақсимизни фақатгина сақлаб қолишгина эмас, балки уни ривожлантириш, халқимизга азиз қилиш. Чунки ўз халқига керак бўлмаган санъат ҳеч қимга ҳам керак эмас. Халқимизга азиз қилиш, юрагига йўл топиш учун эса унинг ичига кириб боришимиз даркор.


Мукаррама опа кишлоқларга жуда кўп борардилар. У ерда ҳатто рақсга тушаётган кичкина боланинг ҳаракатларига ҳам эътибор берардилар. Ёдимда, Шохимар-

Биз келажакда ҳар бир вилоятга сафарлар уюштирамиз. Бу сафарларда балетмейстер, либослар бўйича мусаввир, бас-такор, санъатшунос олима (рақс тарихини биладиган) биргаликда иш олиб борадилар. Шунингдек, бирлашмамиз вилоятлардаги маданият бошқармалари билан ҳамкорлик қилади. Ҳар бир вилоятдаги мусика мактабларида рақс гуруҳлари очилади.

Устоз санъаткорларимиз Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Исоҳор Оқилов, Қундуз Мирқаримов, Розия Каримова, Галия Измайлова рақсларини тиклаб, кейинги авлодлар учун видеотасмага тушириб, «Ўзбекрақс»нинг видеотекасини ташкил қилиш ниятидамиз.

Рақс — бу гўзаллик дегани. Токи бизнинг бажарган ишларимизни кўрган кўзлар қувнасин.

Маълура НАБИЕВА ёзиб олди.



Олой бозори олдида қурилган ер ости йўли кўлаб ҳайдовчиларнинг узогини яқин қилиб турибди.

**Биз биллиб-билмаган дунё**

**Абдурахмон Иброҳимовнинг «Ўзга оламлар бор» деб номланган икки китоби кишлоқда қизиқиш уйғотди. Ҳозир бу муаллифнинг учинчи китоби босилиш арафасида. Бугун шу китобга кирган лавҳалар билан танишасиз.**

## СИРЛАР ОЧИПАДИ

Кишилик жамияти ханузгача онг тўғрисидаги жумбоқни узил-кесил ечганича йўқ.

Бир вақтлар табиблар ёғоч болгача билан бемор бошига уришган. Натихада бемор ҳушиз йиқилган ва табиб бемалол жароҳлик ишларини амалга оширган. Бу усулни хозирги кунда қўллашга эҳтиёж йўқ, чунки беморни ҳушиз қиладиган дориларнинг бир неча хили мавжуд.

Дунё ахборот воситаларига қулоқ солсангиз, гўёки она еримиз номаълум учар жисмларда ташриф буораётган ўзга сайёрадан келётган «меҳмон»лар билан тўлиб тошгандек кўринади. Ҳатто шу масала билан шуғулланадиган жуда кўп уфология институтлари ташкил қилинган.

Ёр аҳолиси ўзга сайёралик «меҳмон»лар билан суҳбатлашиш қонун-қоидаларини билмайди. Тўғри, бу суҳбатлар дунё ахборот воситаларида фотосуратлар орқали ўз тасвирини топган.

Миллионлаб уфологларнинг биттасигина ҳақиқатга бироз яқин келди. У Москов телевидениеси орқали: «Учар жисмларнинг тузилишида ҳеч қандай конструкция қўрмаймиз» — деди. Сабаби оддий: бу конструкцияси қурилма-ларда учиб келётган мавжудотлар бизнинг оламдан ўзга латиф олам вакили ҳисобланиб, инсон онгидан ташқарида бўлган мислсиз куч-қувватга эга.

Юқорида бекорга мияга ёғоч болгача билан уриб, беморни ҳушизлантиришни эсламадик. Чунки дунё ахли нуҳлар билан мулоқотдан катта моддий ва маънавий зарар кўрмоқда. Бунга бутун жаҳон компьютер тизими ёрдамида жуда қисқа вақт ичида ҳисоблаб чиқса бўлади.

Ўзга олам вакиллари эса бундай компьютерлар тизимининг зарурати йўқ. Бу мавжудотлар инсонларнинг миясини фалаж қилиб қўйиш қувватига эга десак фикримиз нотўғри бўларди, ammo мия фаолиятини сустайтириб, фикр-қўбилиятини йўқотиш ҳоллари кузатилади. Бу эса яратганнинг ноёб маҳсули бўлган одамзотни натижаси ўта даҳшатли бунган лептоник фараз билан элптон (бир нуктадан туриб инсониятнинг онгини ишдан чиқариш) нурулининг фарқига бормаслигига олинг келади. Шўқри, инсон улуг қилиб яратилган ва бу сирларнинг тағига бугун бўлмаса эртага етади. Чунки ўзга оламларнинг покиза қучлари ёрдамга келади.

## ИККИ ТУГМАЧА

Табиатдан бизга маълум, деярли ҳар доим ер силкиниб, дарё-денгизлар тошиб туради. 1937 йил Орол денгизининг суви кўпайиб кетганлигидан тошиб, атрофидаги уйлари вайрон этган. Худди шу йили Орол шахридаги оилаларнинг бирида ўғил фарзанд дунёга келади ва унга Тошқинбек деб ном берилади. Инсоннинг исми тағида жуда катта маъно етади. Тошқинбек улғайиб сув мутахассиси бўлиб етишди. Оролнинг тошиб сабабини бир қадар аниқлашга бўлди. Оролнинг қуриши сабабига келганда эса аниқ бир нарса деёлмайти. Тўғри, қуриш сабаби икки қаҳрабон тугмачани ҳолатига боғлиқлигини топди. Ҳаттоки, бу тўғридаги мақоласини («Наука и жизнь» журналы, Алматы) чоп ҳам эттирди. Ammo бутун дунё матбуоти бу мақолани батафсил ёритганида ҳам инсоният бунинг маъносига ҳали тўла тўшунмайди. Икки қаҳрабон тугмача ёнма ён эса ҳали-вери яқинлаша олмайди. Чунки бу жой жуда қаттиқ қўриқланади. Инсон у ёқда турсин, униб ўтган чиван ҳам жон таслим этади.

Мен бир нарсага ҳайрон қоламан. Каспий денгизи шу кунларда ҳам бот-бот тошиб турибди. Кўглаб оилалар бошпанасиз қолмоқда. Ammo, инсоният нега шундай бўлапти экан деб беш қотирмайди. Қотирганда ҳам қўлидан ҳеч бир иш келмайди. Келганда эди, шу кунгача Каспий тошиб кўлаб инсонлар бошпанасиз қолмас, Орол қуриб миллионлаб инсонлар жабр кўрмасди.

Шундай бўлсада, инсониятга қанчалардир ўзга оламнинг Ер юзидagi инсонларга хайрихоҳ бўлган раҳмоний қучлари томонидан ёрдам берилади. Бунга ҳеч бир шубҳасиз ишонаман, ўша кўни кутяпман. Сўзсиз, бу икки қаҳрабон тугмача ҳам босилади. Шунда Каспий тошидан, Орол эса қуришдан тўхтади. Бу кун қачон келишини эса ёлғиз яратган билади.

Абдурахмон ИБРОҲИМОВ

## БИЛЛУР ЖИЛОСИ

топилмаса керак. Шундан ҳам кўриниб турибдики, маҳсулотларимизнинг бозори чақон. Корхонамизда 170-180 турдан кўпроқ ажойиб ранг бўёғи, замонавий дизайн, ўзига хослиги билан ажралиб турувчи, бадиий жиҳатдан юксак безакли хилма-хил биллур идишлар, ёритиш техникасига оид маҳсулотлар, ҳар хил турдаги қандиллар, биллур ва шилша қисмлардан иборат кимматбах металл билан қопланган стол чироклари ишлаб чиқарилади. Корхонамиз 1994 йилнинг декабри ойда ҳисоддорлик жамиятига айлантирилган. 61 фоиз акцияга эгамиз. Ишчи-ходимларимизга дивидендларни уларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, товар ёки пул кўринишида тўлаямиз. Бошида акцияни хоҳламайгина олган ишчиларимиз, энди мамнун бўлишяпти.

инкирозга учрамоқда. Мен шуни айтишим мумкинки, бизнинг корхона тўла қувват билан ишламоқда. 3400 та ишчи-ходим меҳнат қилмоқда.

Ишчиларимизни яхши меҳнат қилишлари учун аввало улар соғлом бўлишларини таъминлаш мақсадида доликликка ҳамда 60 ўринли профилактик ишлаб кўйганимиз. Шунингдек, Бурчмуллада дам олиш зонамиз, фарзандларимизга 130 ўринли болалар боғчаси хизмат қилмоқда.

Корхона ошхонасида ишчилар талон системасида овқатланишади. Кунига уларга сўт берилади. Хоҳ-қўлилар завод касабаси уюшмаси томонидан истаган санаторий ва дам олиш уйларига йўлланма олишлари мумкин.

### Ўтган йили ва янги йилнинг дастлабки ойларидан қанча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва сотилди?

— Корхонамиз ўтган йилда 68 миллион 343 миң сўмлик биллур идишлар ва 147 миллион 924 миң сўмлик қандилларни савдо тармоқлари орқали сотди. Жорий йилнинг дастлабки ойларидан 2830 миллион сўмлик маҳсулот сотдик. Завод қошида «Биллур», «Нур», «Кристалл» фирма дўконларимиз ишлаб турибди. Яқинда «Нур» фирми «Сникс» деб номланган янги фирма дўконини ишга тушди. Фирма дўконимизда маҳсулотлар анча арзон, устам ҳақ қўймасдан сотилади.

### Корхона қайси МДХ ҳамда хорижий давлат билан ҳамкорлик қилишни йўлга қўйган? Умуман, жаҳон бозорига чиқиш борасида қандай тadbирлар амалга оширилмоқда?

— Корхонамиз 1971 йилдан бошлаб Урта Осиёда биринчи бўлиб биллурдан турли идишлар, 1990 йилдан бошлаб эса ҳар хил турдаги хашаматли ва катта маънавий осма қандиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бундай қандиллар хозирги кунда шахримиздаги кўглаб чиройли саройлар, меҳмонхоналар, рестороанлар ва метро бекатларини безаб турибди. Биргина мисол: Амир Темур музейига диаметри 9 метр, бўйи 12 метрли «Зумрад» қандилини тайёрлаб бердик. Шунингдек, Республика Кўнмас мулк биржаси маркази биносига ҳам «Туркистон» ва «Мустақиллик» маҳсул қандилларини тайёрлаб берганимиз. Яқин келажакда «Сникс» корхонамиз янада ривожланиб, ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқади деган умиддаман.

Муборак ТОЖИБОЕВА



Республикамиз аҳолисининг деярли ярмини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Ислохотларни амалга оширишда ёшларнинг ҳам ўрни катта. Ёшлар фаолиятидаги ютуқларни инкор қилмаган ҳолда уларнинг бугунги долзарб муаммолари хусусида тўхталмоқчимиз. Муаммоларнинг илдизи қаерда? Юз бераётган салбий ҳолатларни қандай баҳолашимиз керак? «Умр баҳорига» доғ тушираётган баъзи салбий иллатлар қаердан келиб чиқяпти ўзи? Тарбиянинг яхши эмаслигиданми?

унинг шу жамият, ижтимоий гуруҳ ёки табақага тегишли бўлган қадриятлар ва хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштиришдан иборатдир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: инсон жамиятда яшар экан, шу жамиятдаги мавжуд ижтимоий институтлар (оила, боғча, мактаб, маҳалла, меҳнат жамоаси ва ҳ.к.) билан ўз истагидан қатъи на-

бияси ҳам асосий омиллардан бири бўлиб қолаверади.

Шахснинг шаклланишида яна бир омил — географик муҳитдир. Иқлим шароити ҳам инсоннинг шаклланишига таъсир этади. Масалан, чўл климида улғайган ёшлар табиатан инжиқроқ, қизиққон бўлишлари кузатилади. Улар кўпинча ҳамма нарсадан жисмоний кучи устун қўядилар. Чунки чўл шароити инсондан меҳнат фаолиятида кўп жисмоний куч сарфлашни талаб этади. Негаки, чўлнинг шароити оғир, иклими тез ўзгарувчан ва инжиқ бўлади. Худди шундай ўзига хосликини шахар ёшларида ҳам кузатиш мумкин.

Кишлоқдаги қариндош ёки дўстларининг ҳузурига меҳмонга борган шахарликни кузатишга, фарқ жуда яққол сезилади.

### Мушоҳаза

## МУҲИТ ВА ХУЛҚ

ижобий, хоҳ салбий ҳолатлар бўлсин, ўзига тез сингдириб, ўзлаштирувчан бўлади. Қисқаси, инсоннинг қандай шахс бўлиб етишувини унинг атрофидаги муҳитга боғлиқ. Спиртли ичимлик ичмайдиган мактаб ўқувчиси талаба бўлган, бемалол ичимлик ичмади. Чунки бу ҳол баъзи жойларда мавжуд бўлган муҳитга мувофиқ келади. Энди у чекиши, тунги дискотекаларда раққос бўлиши мумкин. Айнақса, баъзи қизлар соҳларини кесиб, мода шайдосига айланишлари, минг бир турлик упа-эликдан фойдаланиши одат тусига киритишлари тез-тез кузатиламоқда. Шундай қилишни уларга ота-оналари ўргатадими? Ёки ўқув юртими? Асло. Бу айнан баъзи ёшлар ўртасида мавжуд бўлган муҳитнинг таъсиридир. Шу билан бирга ота-она тар-

зар, узвий муносабатда бўлади. Бинобарин, шу институтларда мавжуд бўлган маромлар, қоидалар, хулқ-атвор кўринишлари ва қадриятларни мунтазам вақилларнинг фикрига кўра, инсон фарзанди пушт ҳолатида, яъни ҳали туғилмасидан қўлаб бўлажак шахсга хос барча хусусиятларга эга бўлади. Бошқа йўналиш вақилларнинг ўқитишлари эса инсондаги салбий ҳодисаларни оила муҳитига боғлаб, фақатгина ота-оналарни айблаш — ноҳолис хулоса бўлур эди. Бу мураккаб жараённи илмий таҳлилларсиз изоҳлаш қийин. Мисол учун, кизлоқдан келган йигит пойтхтдаги бирорта илм масканига ўқишга кирди, дейлик. Олий ўқув юртида у «битириб» келган ижтимоий институт — кишлоқ муҳити, қадрдон мактабидан бу-

бориши ва мазкур қаватлар ўқитишининг ўзига хос хусусиятлари ётади. Усиш даврида улар орасига тушиб қолган ўзга олмос доналари, графит ёки бошқа аралашмалар сабабли тоза, тинч олмослар қатори қизил-тўқ қизил, жигарранг-тўқ қизил, жигарранг-қўнғир туслилари ҳам учраб туради. Кристалларда яшил, кўкиш-яшил, кўкиш-қўнғир, қўкиш-қўнғир ва бошқа кўринишдаги ҳоллар ҳам учрайди.

Олмос кристалларининг ҳар қандай кўринишдаги доналари қизиқиш тугдиради. Уларнинг заргарликдан ташқари ишлатилган соҳалари кўп бўлганлигидан ва қаттиқлиги юқорилигидан улар қадри пасаймайди. Шунинг учун ҳам дунё миқёсида табиий олмослар билан бир қаторда кўглаб сунъий олмослар ишлаб чиқаришда ва техниканинг турли соҳаларидан кенг ўрин олмақда.

қудрат АҲМЕРОВ, кимёгар. СУРАТДА: олмос ичида жойлашиб қолган олмос кристалларининг кўриниши.



«Чорсу» давлат универмаги қошидаги тикув цехида турли хилдаги кийимлар, чойшаблар ва миллий кийимлар тикиб чиқарилиб, шу ёрнинг ўзида сотувга қўйилади. Бичувчи Мариф Кандинов ўзи бичиб, ўзи тикишга ҳаракат қилади. Шунингдек, шогирдларига кўлақбиллигини ўрганишни тавсия этади. СУРАТДА: Мариф Кандинов.


Рашид Галиев олган суратлар.

Табиатда ҳали инсон билмаган, моҳияти, мазмун-маъносини англаб етмаган нарсалар кўп. Бунга кўп мисолларда кўриш мумкин. Ана шундай ҳодисалардан бири табиий олмосларнинг ички қисмида жойлашиб қолган олмос зарраларининг учрашидир. Олмос заррани ичида нафақат кимматбах тошлар, балки турли катталиқдаги минералар ёки аралашмалар учраб туриши тажрибаларда кўрилади. Аралашмалар олмос рангини ўзгартириши, тинчлигини йўқотиши ва шу каби бошқа салбий хусусиятларга эга бўлишига олиб келган ҳоллар ҳам учраб туради. Сибир олмослари бу борада алоҳида ажралиб туради. У ердан топилувчи олмослар ҳажми турлича бўлиб, 0,1 миллиграммдан

### Ажойиботлар

## ОЛМОС ИЧИДАГИ ОЛМОСЛАР

жилולי бутун кристаллардир. Зиратчасимон олмослар микро-ва макроаралашмалар сифатида графит, темир оксидлари ва бошқа элементлар бирикмаларини сақлаганликлари сабабидан ҳам ялтироқликка эга бўлмайдилар. Уларнинг морфологик синфланиш асосида кристалда қаватларнинг ўса



ИБРАТИН ҲИҚОЛЛАР

ЧИРОЙЛИ ХАТЛАР

Имом Хасан ва имом Хусанлар икки ашарлик чоғларидан илм-фанда мусобақа қилишарди. Қунардан бир куни иккаласи ҳам Курьондан бир саҳифа ёздилар ва Расули акром қошига келтириб дедилар:

— Қайси биримизнинг хатими чиroyлироқ?
Расулуллоҳ уларнинг бирини иккинчисидан ортиқроқ қўришни истамадилар: «Иккаласи ҳам яхши!» — дедилар.
— Қайси биримизники яхшироқ? — деди Хасан.
Расулуллоҳ дедилар:
— Азизларим! Мен мактабга бормаганман, алифбо ёзмаганман, ҳатто илоҳий ваҳийларни ҳам ўзим ёзмаганман. Хатни яхши тушунадиган одам ўзи ҳам ёзадиган бўлиши керак. Буни сиз отангиз Алидан сўраг. У яхши хаттодир.
— Тўғри айтасиз! — дейишди улар ва оталари Ҳазрат Алининг қошига бордилар. Унга ҳам шу савол билан мурожаат қилдилар.
Ҳазрат Али дедилар:
— Хар иккаласи ҳам яхши. Ҳам ўқилшлик, ҳам чиroyлик.
— Қайсиси кўпроқ яхши? — дейишди улар.
Ҳазрат Али дедилар:
— Сизлар мадрасага бораёпсиз, бу ҳақда устозингиз яхшироқ билади. Аммо ҳали ёшсиз, болаларининг ишларини оналар кўпроқ билади. Қозилликда ва тўғри баҳолашда онангиз менга тенгдир. Мен бу ёзувларда ҳеч бир айб қўрмаганман, лекин онангиздан сўрасангиз яхшироқ бўларди. У қандай фикр билдирса, мен ҳам унинг фикрига қўшиламан.

Улар Фотима онамиз қошига бордилар ва оталарининг гапларини унга айтдилар.
Фотима онамиз дедилар:
— Иккаласи ҳам яхши. Уларнинг орасидаги тафовутни ажратиш жуда мушкул. Ҳазрати Фотима бўйинларидидаги рўмолни ечиб, унинг ич-ичидан еттига фил сўягидан тайёрланган тошни олдилар. У тошларни ерга сочдилар ва ким кўпроқ тўпласа, унинг хатини яхшироқ ҳисоблаймиз. — дедилар.
— Бу қўрқашлик бўлса ҳам биз розимиз, — дейишди улар. Иккаласи ҳам ундан тошни терди, аммо охириги тош иккига бўлинган эди. Ҳар бири яримтадан тошни олди. Натижа тенг бўлди. Иккаласи ҳам рози бўлишди ва дедилар:
— Охир-оқибат бобомиз ва отамиз айтгандай бўлди, аммо биз тошни синдиришга эмасдик.
Шунда Ҳазрати Фотима дедилар:
— Тошни сиз синдиридингиз, уни Аллоҳ бўлақларга ажратди. Аллоҳ сизларни тенг бўлишингизни истайди.

ТАЪЛИМ БЕРИШ ЙУЛИ

Хасан-Хусанларнинг ёш болалик чоғлари эди. Одамлар азон товушини эшитиб, масжидга ошиқардилар. Хасан-Хусанлар ҳам улар билан бирга кетишарди. Қарасалар бир чол азон айтаяпти, аммо азон айтиш қоидаларига риоя қилмапти. Улар чолга хатосини айтишни лозим топдилар, лекин катта одамга ёш болаларнинг таълим бериши уни уйлтириши мумкин. Улар бошқача йўл тутишга қарор қилдилар. Намоз тугагач, ўзлари чолнинг қошига боришиб: — Биз икки ака-ука азон айтишдан мусобақа қўлаймиз. Сиз бизга қозиллик қилсангиз, ким чиroyли ва тўғри ўқитганини айтсангиз, — дейишибди. Чол рози бўлибди. Улар масжид ичида секинроқ овоз билан азон айтишдибу ва сизнингча, кимники яхши? — дедилар. Чолнинг кўзларига ёш келибди, кўз ёшларини артанна дебди: — Иккалангиз ҳам чиroyли ўқидингиз. Мен хато қилган эканман ва сизлардан таълим олдим.

Форсиддан Бахриддин ТУРДУНОВ таржимаси.

ДОРИХОНА

ДАРДЛАРГА ДАРМОН

Ҳурматли тахририят!
Ҳозирги кунда шахсий дорихоналар сонни кун сайин кўпайиб бормоқда. Улар орасида «Фармед» фирмасининг алоҳида ўрни бор. Шу фирма фаолияти ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.

Баҳодир МАҲҚАМОВ,
Тошкент шаҳри.

Иссиқ жон, касалнинг келиши осон, кетиши қийин. Шундай дамларда шифокорга, дорихонага борамиз, дардимизга маълум излаймиз. Бу — ҳаёт тақозоси.

Маълумки, жаҳон фармацевтика саноати минг-минглаб каттаю кичик ишлаб чиқарувчилардан иборат. Лекин бозор қонунини ва талабларига мос келадиган, яхши сифатли ва тез самара берадиган, инсон организмига зарар кам, фойда-си кўпроқ бўлган дори-дармон ишлаб чиқарувчиларнинг доимо ошиги оличидир.

Бугунги кунда жаҳоннинг йиғирмага яқин хоржий давлатлари ва 40 дан ортиқ фирмаси билан ҳамкорлик қилаётган, беморларни арзон, сифатли дорилар билан таъминлашга салмоқли ҳисса қўшаётган «Фармед» фирмаси 1992 йилнинг 29 мартда хусусий дорихона негизда ташкил этилган. Фирма фармацевт ва медиклар сулоласи уйғунлашувида таркиб топганлиги боис «Фармед» деб номланган.

— ТошМининг терапия кафедрасида ишлаб юрган вақтларим, — дейди фирма бош директори Дилором Тошмухамедова. — 1990-1993 йилларда оғир касаллар дори танқислигидан ҳаётдан бевақт кўз юмганига гувоҳ бўлганман. Ана ўшанда қандай қилиб бўлмасин, республикамизни дори-дармонга сероб қилиш истаги туғилди. Чунки, шифокор бундан ҳеч нарса қилолмайди. Бемор қаршида кўниси-обекиси одамдек ожиз бўлиб қолаверади.

Айни пайтда шаҳарнинг икки жойида — метронинг «Ешлик» бекатида ва Назарбек йўлида «Фармед»нинг филиаллари ишлаб турибди.

Муборак САЙДАНОВА.

Муסיқнинг барча жанрларида яратилган ўнлаб кўй-қўшиқлар муаллифи, симфониялар, опера ва балет асарлари яратган Устелерадиокомпанияси Дони Зокиров номли халқ чоғу оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мустифо Бафоев Ўзбекистонимизнинг истеъдодли ижодкорларидан бири саналади.

Бастакорнинг 1992-96 йиллар мобайнида яратган ийрик асарлари — «Умар Ҳайём» операси, «Улугбек буржи», «Нодира» ва «Мозийдан нур» балетлари ҳамда мустақиллиқни тараннум этувчи қатор асарлари Абдулла Қодирнинг номидаги республика Давлат муҳофизатига тасвир этилди.

— Асарларингизни эшитганимизда, кўй ва садолар қалб чашмаларидан қўйилиб келаётгандек туюлади. Айниқса, жўшқин усуллар, бошқа композиторлар услубидан яққол ажралиб туради...

— Хар қандай бадиий асар қанча таъриф ташвиқот этилмасин мукамал бўлмаса, уни тингловчига манзур этиш амри маҳол. Одатда, санъаткорнинг қиёфаси кўп қирра ва сифатларда мўжассамлашган бўлади. Санъаткор илҳом қанчалик узоқ ўққол сари парвоз қилмасин унинг ижод ришталари ҳеч қачон она заминдан узилмаслиги лозим. Мен ҳам ўз асарларимда ўзбек кўй ва оҳанглари, усул ва услублари, аъналарига садоқат ва миллий руҳни сақлаб, муҳлислар дилига яқин кўй-қўшиқлар яратишга ҳаракат қиламан. Аслида кўйиқни юрак қўйлайди: у ижодкорнинг қалбида яралади. Ижро хоҳ аққа чоғу, хоҳ катта оркестр бўлсин, муסיқани тингловчига етказувчи восита бўлиб хизмат қилиши керак.

— Санъатнинг сеҳрли кучи нимада, деб ўйлайсиз?

— Хар бир ижодкор дилидаги ғояни ижро тараннумида бевосита бадиий асар бўлиб ақсонишидаги энг муҳим мезон бу — маҳоратдир. Хонанда ёки созандани тин-

гланганимизда кўй ўз-ўзидан таралаётгандек туюлади. Ижро шу даражага етгунга қадар бўлган машаққатли меҳнат ва изтироб тингловчиларга билинмайди. Санъатнинг сеҳрли кучи ҳам айнан шунда.

раман. Утмиш қадриятларини эъозлаш, буюк бобоқалонларимиз ибратли ишларини намойиш этиш орқали ёшларни тарбиялаш жуда муҳим аҳамиятга молик, деб ўйлайман. Киши — ўз тарихини, ўз маданиятини, мил-

бор. Фақат, уларнинг асарларини кўрсата олишимиз лозим. Муסיқа жуда мураккаб жараён. Унга мўносабати ёшлиқдан тарбиялаш керак. Ҳозирги кунда замонавий қўшиқчилик бўйича турли йўналишлардаги асарлар ёзилмоқда. Ўзбек қўшиқчилигида, айниқса, ўзбек эстрадасида баҳкана, улама қўшиқлар кўпайиб бормоқда.

Кўшиқчилигимизда, миллий аъналар ва усуллар, оҳанглар ўз аксини топишини, миллий чоғу асбобларининг шитроқ этишини истаيمان. Бунинг учун ҳозирги замон эстрада жариди ижод қилаётган ёшларимиз катта мактабни ўташлари, яхши устозлардан тарбия олишлари керак, деб ўйлайман. Агар эътибор берган бўлсангиз ҳозирги кунда хаваскор гуруҳлар кўпайиб кетди. Шунинг учун ҳам камалак сингари бир кўнлик қўшиқлар пайдо бўлапти.

— Сизнингча, композитор бўлиш қийинми? Яна бир савол: келажак режаларингиз нимадан иборат?


— Жуда қийин. Бунинг учун кўп ўқиш, ўз устида тинимсиз излаш, меҳнат қилиш, дунё маданияти илмидан бохабар бўлиш талаб этилади. Шунданга дурдона асарлар дунёга келади. Оллоҳ берган қобилият, салоҳиятдан имкон қадар унумли фойдаланиш, инсониятга нафдинг тегиб яшаш қанчалар лаззатли! Кўй ёзаётганимизда аксарият ҳолларда ана шу ҳиссиётлар камраб олади. Эртасига қарасан у оддийдек туюлади. Эзган нарсаларимдан шу кунгача ҳеч қоникмадим. Янаги сафар бундан-да яхшироқ ёзишга интиламан.

Бирдан-бир орзуим ўзбек халқ чоғу асбоблари оркестри журтидаги ижро этиладиган жаҳон муסיқа маданияти ангилларини, ўзимизнинг миллий қадриятларимизни, аъналаримизни кўрсата оладиган йирик миллий опера асарини ёзиш ва уни муҳлисларга тақдим этиш. Бухоронинг 2500 йиллигига атаб тузуқроқ асар яратиш иштиёқи ҳам дилимда бор.

Мазмура РЎЗИЕВА суҳбатлашди.

НОМЗОЛАР

ЮРАК — САДОЛАР ВАТАНИ



— Бастакорлиқни танлашингизнинг сабаби нимада?

— Болалигим Бўхоро вилоятининг Когон туманида ўтган. Оиламизда мендан бўлак муסיқага дил боғлаган киши йўқ. Ешлигимдан муסיқа тинглашни яхши кўрдим. Миллий кўй ва қўшиқларга бўлган муҳаббат сабаб бўлиб, қандай қилиб шу йўлни танлаганимни ўзим ҳам билмайман. Дастлаб Бўхоро шаҳридаги санъат билим юртида, сўнг Тошкент Давлат консерваториясида — аввал халқ чоғу асбоблари бўлимида, кейин бастакорлик бўйича билим олганман.

— Ижодингизда аксарият тарихга мурожаат этасиз. Тарихий мазкурларда асарларга кўй басталаш масъулият талаб этса керак...

— Кўй яратиш ижоднинг бошқа турларига қараганда қийин. Тарихий асарларга кўй басталаш эса анча мураккаб. Тарихни яхши кў-

лий қадриятларини билмай, ўрганмай туриб, бугунги, эртанги куннинг қадрига ета олмайди.

Кўлимга шевър ёки бирор асарни тўлиқ ўқибганимда аввало унинг фалсафасига тушуниб, руҳига киришга ҳаракат қиламан. Шунданга оҳанг туғилади. «Хажнома» ора-торияси, «Буюк ипак йўли» янги йўналишдаги мураккаб саҳна асарини ҳамда «Соҳибқирон» фильми шулар жумласига кирди.

— Ҳозирги кун қўшиқчилиги, муסיқасида қайси жиҳатлар Сизни қувонтирилади, қайсалари ташвишлантиради.

— Инсон узоқни қўлаб яшashi керак. Фақат бугунги ўйлаб, одамлар шунини севади, дея енгил-елпи кўй ва қўшиқларни ижро этишга одатланмасдан, халқ крагидан жой оладиган асарлар яратишни ўрганайлик. Ўзбекистоннинг жаҳон маданияти қолду-ларини билан тенглашадиган санъаткорлари



- Одоб сабоқлари
• Бастакор билан юзма-юз
• Саховат тадбирлари
• Эзгуликка ундовчи сатрлар

Наврўз

САВОБ ИШГА НЕ ЕТСИН

Наврўз байрамига бағишланган тантаналар пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Гаффор Рашидов номли 98-мактаб-интернатда сервизмун ўтди.

Чор-атроф гуллар, миллий каштачилик палаклари билан безатилган. Тадбир давомида интернет ўқувчилари саҳна томошалари билан биргаликда пазандалик, чеварлик, ёғоч ймакорлиги, тасвирий санъат, керамика, одобр-ахлоқ, қадимий урф-одатларга оид бор билим-маҳоратларини бирма-бир намойиш этдилар. Шунингдек, баҳор байрамига аталган деворий газеталар кўрик-танловини ҳам четда қолмади. Шўх яллалар қувнок кўй-қўшиқларга, жозибдор рақсларга улашиб кетди. Кеча сўнггида шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Эргаш Маъ-

дийев ҳар бир ўқувчига шаҳар ҳокимлиги томонидан ажратилган байрам совғаларини топширди. Й. Охунбоев номли ёш томошабинлар театри артистлари ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси

қошидаги Маҳмуджон Йўлдошев раҳбарлигидаги бир гуруҳ санъаткорлар даврага фойз киритдилар. Дания ЗОКИРОВА.

СУРАТДА: интернет ўқувчилари Наврўз совғалари билан.



ХАЙРИЯ МАДАДИ

Наврўз байрами Шайхонтоҳур туманидаги маҳалларда ўзгача тароват билан нишонланмоқда. «Соглом авлод учун» хайрия жамғармасининг туман бўлими, шунингдек, туман «Қизил ярим ой» жамияти ҳамда савдо бирлашмаси ходимлари 500 дан ортиқ нуруний, ёлғиз, тушақда ётиб қолган қариюларга моддий ёрдам кўрсатдилар. Наврўз айёми арафасида «Исломобод», «Гулбод», «Каттабоб» маҳаллалари ҳам ўзларининг ички имкониятларидан фойдаланиб, ёрдамга муҳтож, етим-есир, бева-бечораларга, ногиронлар, туман таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари истиқомат қилувчи ҳонадонларга хайрия қўмагини кўрсатдилар. Наврўз байрамида «Хамшира-97» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Шу кунларда маҳаллалараро «Баҳорий таомлар» кўриги ўтказилмоқда.

Моҳира КАРИМОВА.

Ўз сафларига шахримиздаги ногиронларни бирлаштириб, уларни иш ўринлари билан таъминлаётган, хар томонлама ғамқўрлик қилаётган Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти Наврўзи олам тантаналарини пойтахтимизнинг энг ўзгал оромгоҳларидан бири ҳисобланмиш Мирзо Улугбек боғида нишонлашди.

Шу кунги шахримизнинг барча туманлардан боққа ташриф буюрган жамият аъзолари бўлимиш 1200 га яқин ногиронлар бола-чақалари билан роса яйрашди. Наврўз айёмида қувнок баландлиқлар, автотрол, мойчекак, қайиқчи ағричюк, занжирли айланмачоқ, осмону фалак, ёш денгизчи, кулгиҳона каби 15 та аттракционлар ногиронлар, улар фарзандларини учун бепул хизмат кўрсатди. Шунингдек, боққа ташриф буюрганлар бадиий хаваскорлар ижросида қизикarli концерт томошалари,

сўз усталарининг ичакузди хангомалари-дан бахраманд бўлишди. Кўригочқ театри томошалари ҳам ташкил қилинди. Тўқин дастурхонга ош тортилди.

НОГИРОНЛАР КўНГЛИ ШОД

— Шаҳар маркази ва туманлардаги бўлимларимиз фаолияти яхши ташкил этилганлиги бу гал ҳам бизга жуда кўп келди, — дейди Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг раиси Ҳабибулла Жалилов. — Чунки, хар бир туманлардаги кичик корхоналарни ҳисобга олганда пойтахт жамиятимизнинг ўзида ҳозир 8 та ишлаб чиқ-

риш нуқталари фаолият кўрсатмоқда. Уларга жалб этилган ногиронлар компьютер техникаси, телерадиоасбобларни йиғиш ва таъмирлаш, тивувчилик каби фойдали йумшлар билан машғуллар. Бундан ташқари ўз қурилиш-таъмирлаш бригадамиз ҳам бор. Яқинда Юнусобод туманидан жой олди. Унда ишлаб чиқариш марказини бунёд этиш ниятидамиз. Бу галги тадбиримиз ҳам ўзимизнинг — шаҳар маркази ва туман бўлимларининг ишлаб топган маблағлари эвазига ташкил қилинди.

Бунда, айниқса, Миробод, Яқасарой, Сергели, Мирзо Улугбек туман бўлимларининг ҳиссалари катта бўлди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: Мирзо Улугбек боғидаги фойзли байрам тадбиридан лавҳалар. Рашид Галиев олган суратлар.



Тўғуллар

ЁМГИР ЁҒИБ УТДИ

булутда ёмғир бор, ер сув ичади. Булут қаердан келаркин? — Ойи... булут қаердан келади? — Булутни шамол ҳайдаб келтиради.

Энди болакайнинг сабри тугади: бу қанақаси, шамол нега булутларни ҳайдайди? Нега ҳайдаб булутнинг ҳовлигисига олиб келди булутларни? — Ойи... ёмғирни ушласа бўладими? — Бор, ушлаб кўр, — тоқати тоқ бўлди ойисининг, — фақат бир марта ушлагини қайт.

Болакай ташқарига отилди. Ёмғир ҳамон бир маромада ёғар, ҳовли юзидидаги қўлмақчаларда пуфакчалар пайдо бўлиб, бир лаҳза сувиб юриб, ёрилиб кетарди. Болакай маҳлиб бўлиб қолди. Сал вақт ўтмаёқ унинг энгил-боши шаллабб бўлди. Болакай парво қилмас, томчиларга қўлини тутар, лекин ёмғир томчилари сира ҳам унинг қафтига келиб тушмасди. Ниҳоят бир томчи жажжи қафтига урилди.

— Тугдими! — кичкириди бола ва уйга югурди. — мана, тутдим ёмғирни.

У қафтини очди. Қафти салпал хўл бўлганди, холос. Болакай тушайди. Онаси койиб, унинг энгил-бошини алмаштирди. Болакай бир нарсаларни гўлдираб ушлаб қолди.

Қуанин очганда олам чарогон эди. Кўнда кўш чарақлар, ёмғирдан асар ҳам қолмаган эди: фақатгина ўрик, олмаларнинг наваларида қатор томчилар осилиб товланиб турарди.

Ёмғир табиатнинг улкан неъматини эканлигини, у билан булут олам яшашига ҳам болакайнинг мурғак ақли етмасди. Эрта-индин булут дов-даррактлар, киру адир гулга тулишини, ўша ёмғир томчилари шу гулларнинг таналарида оқиб туришини ҳам билмасди. Фақат битта нарсани биларди — шамол булутни ҳайдайди, булутда сув бўлади, ер ҳамма сувни ичиб олади...

Сал ўтмаёқ болакай уйинга андармон бўлиб кетди. Сирга тўла олам ичра болакайнинг ўзи ҳам очини топиламан сир эди.

Ғолиб МИРЗО.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ



Адам Даминнинг адабий тақдирини, унинг ёзувчи бўлиб шаклланиши осон кечмади. Касоби кимёгар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари қимёси институтида кичик илмий ходимлиқдан меҳнат фаолиятини бошлаган адиб 70-йилларнинг охирида илк ҳикоялари билан матбуотда қўрна бошлади. Кейинроқ ўзини ижодга бағишлашга аҳд қилган Аҳдам Дамин «Тошкент оқшоми», «Ишон» газеталарида, «Еш куч» журналарида муҳбир бўлиб ишлади. Юрт кезди, була-



«Шарк» нашриёт-матбаа концернининг бош тахририяти томонидан чоп этилган «Бегуноҳ севги» китоби Аҳдам Даминнинг навбатдаги салмоқли туҳфаси сифатида диққатга сазовордир. Унда адибнинг тўрт китобини, ҳикояларни жамланган.

«Еш ёзувчининг ҳаётидан саҳифалар» китобини автобиографик китоб деб аташ ўринлироқ бўлади, назаримда. Сабаби унда қаламга олинган воқеалар, ёш адибнинг бошдан ўтганларини, ишонлари, самимий таъсирланган. Одатда адабиятга кириб келиш осон кечмади. Адабиёт маданиятида ижодкор сифатида қолш эса ундан ҳам қийин. Бу чексиз ирода, сабр, интилиш, меҳнатни талаб қилади.

Муаллиф ўз қаҳрамони бошидан ўтганларини тасвирлар экан, дастлаб унинг нозик қалбидидаги тўғуллар тиниклигига эътибор беради. Ҳаёт ўз номи билан ҳаёт — ўзининг меъриядан ташқари чиқмайди, олға босаверади. Еш ёзувчининг изтироблари, илк ҳикоя қувонч қоездига ноҳус манзара, укамнинг ҳикояси чиксин деб қровун туширган ака, ниҳоят газета бўлим мудирини, қимё институтидидаги раҳбар — ҳамма-хаммаси бир қарашда тўпори, лекин самимий тилида чизилган.

«Бўсагада» китобини аса талабалик йилларида, институт даргоҳига илк бор бир олам орзулар билан қадам қўйган абитуриентнинг саргушашлари, анкироғи, ҳаёт йўлини топашдаги илк қадамларига бағишланган. «Бегуноҳ севги» китобини аса, номидан ҳам маълум, икки ёшининг муҳаббати, ғовлар, биронинг айби билан бир-бирдан жудо бўлган қалбларнинг афсус-надоматлари қаламга олинган. «Футболчи» китобини орау йўлида қатъий бўлиш, интилиш қанчалар муҳимлиги ҳақида баҳс юритади.

Китобдан ўрни олган «Кўн-гил», «Қимон қуни ва туви», «Елкадаги юк», «Баҳор кўнларидан» ва соҳна митти ҳикоялар ҳам ҳаёт ва муҳаббат, қувон ва ташвиш, бурч ва инсонийлик ҳақидаги ёшлар ҳақидаги ўқимшли китоб десак асосан тўғри бўлади. «Бегуноҳ севги» ўз ўқувчиларини тоғлади, қўпгина илк таърифларга сабаб бўлади деб ўйлаймиз. Бу аса муаллифнинг меҳнатига беришган энг яхши баҳо бўлади.

Темур УБАЙДУЛЛО.



ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АХОЛИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1997 йил 1 апрелдан бошлаб жорий қилинган почта жўнатмалари ва телеграммаларнинг айрим турларини жўнатишга доир тарифларни маълум қиламиз

Table with columns for destination (Ўзбекистон ҳудудида, Марказий Осиё, Янги хориқ, Узок хориқ) and weight/volume (ер усти ҳаво, транспорт билан, почта картчаси).

Table for telegram rates (Телеграмма) with columns for destination and weight/volume.

1997 йил 10 апрелдан бошлаб эски тариф бўйича жўнатиш хат-хабарлар жўнатишга тўлиқ тўлов учун қайтариб юборилади.

ТОШКЕНТ ШАХАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти абонентларни ҳақ ўз вақтида тўланмаган ҳолларда алоқа хизматлари кўрсатилмаслиги тўғрисида огоҳлантиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ АХОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!
1997 йил май ойидан бошлаб Тошкент шаҳар телефон тармоғида олти-етти рақамли номерларга ўттиш жараёни амалга оширилади.

«ОНИКС» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ (СОБИК «МИКОНД» ЗАВОДИ)ГА
газэлектрпайвандчилар, сантехниклар, электрчилар, токарлар, чархловчилар, фрезерчилар, металлга ичдан йўниб ишлов берувчи (расточниклар), механик йиғув ишлари чилангарлари, электр сим ўрвончилар, қурилиш ихтисослашқан эга ишчилар

ТОШКЕНТ ШАХАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«ОЛТОЙ» РАДИО ТЕЛЕФОНИ АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ БАРЧА АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!
Кўма алоқа воситаларидан фойдаланувчи корхона «Автоалоқа» очик турдаги акционерлик жамияти («Автоалоқа» ОТАК)га айлантирилди.

«ТАХТАПУЛ — НОН» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
1997 йил 10 апрель куни соат 15.00 да «Тахтапул—нон» акционерлик жамоаси акционерларининг 1996 йил якунлари бўйича умумий мажлиси ўтказилади.

Тошкент шаҳар Божхона хизмати раҳбарияти ва шаҳар шайхонаси ушбу хизмат бошчилигини ўринбосари Р. А. Фозилова турмуш ўртоғи Гулнора Фозиловага ҳамда қизи ДИЛФУЗАНИНГ бевақ вафот этганидан қўриқилган билан чуқур ҳамдирлик билдиради.

ДУШАНБА 7

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.30 «Харфатнома».

II

18.00 Кўндalik. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилотшо». Мультипликация.

III

17.10 Янгиликлар. 17.15 Ўзлонлар. 6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 Кўрсатувлар анониси. 18.50 «Мультикарусель».

PAЙШАНБА 10

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

II

18.00 Кўндalik. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилотшо». Мультипликация.

III

17.10 Янгиликлар. 17.15 Ўзлонлар. 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 Кўрсатувлар анониси. 18.50 «Мультикарусель».

PAЙШАНБА 12

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

YAKSHANBA 13

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

CEШАНБА 8

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

II

18.00 Кўндalik. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилотшо». Мультипликация.

III

17.10 Янгиликлар. 17.15 Ўзлонлар. 6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 Кўрсатувлар анониси. 18.50 «Мультикарусель».

YAKSHANBA 13

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Манзиллимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65; факс: (3712) 33-29-09.